

«ХАЛQ SUG`URTA»  
акциядорлик жамияти  
Ягона Муассисининг  
2022 йил «04» февральдаги  
2-сонли қарори билан  
**«ТАСДИҚЛАНГАН»**

---

**5-илова**

**«ХАЛQ SUG`URTA» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ  
ИЖРОИЯ ОРГАНИ ТҮҒРИСИДАГИ  
НИЗОМИ**

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1 «XALQ SUG`URTA» акциядорлик жамияти ижроия органи тұғрисидаги низоми (бундан бүён матнда – Низом деб юритилади) «XALQ SUG`URTA» акциядорлик жамияти (бундан бүён матнда – Жамият деб юритилади) Ижроия органининг мақомини белгилайды, унинг фаолияти, уни тузиш ва Ижроия органга раҳбарни тайинлаш тартибини, шунингдек раҳбарнинг ваколатлари ҳамда унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини акс эттиради. Жамият ижроия органи яккабошчилик асосида ижроия органи, яъни Жамият Баш директори ҳисобланади. Жамият Баш директори билан тузиладиган меҳнат шартномасининг шартлари акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

1.2 Мазкур Низом «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тұғрисидаги» Қонун, Жамият устави ва бошқа норматив конунчиликтарга мувофиқ ишлаб чиқилган.

## II. ЖАМИЯТ ИЖРОИЯ ОРГАНИНИ ТУЗИШ ТАРТИБИ

2.1 Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш ваколати яккабошчилик асосида ижроия органи – Жамият Баш директори томонидан амалга оширилади. Баш директор Жамият фаолиятига раҳбарлик қиласы. Баш директор ўз вазифасига Жамият акциядорлари умумий йиғилиши қарори билан тайинланади.

2.2 Жамият Баш директори вазифасини амалга оширувчи шахс билан тузиладиган меҳнат шартномаси Жамият номидан Жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижроия органи вазифасини амалга оширувчи шахсни тайинлаган умумий йиғилишдаги раислик қилувчи шахс ёки акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан ваколат берилген бошқа шахс томонидан номуайян муддатта тузилади ва имзоланади.

2.3 Жамият Баш директорини тайинлаш тұғрисидаги қарор, одатда, янгича фикрлайдиган, замонавий талабларга жавоб берадиган юқори малакали раҳбарлар, шунингдек, қоида тариқасида хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилинади.

2.4 Жамиятнинг Баш директори лавозимига тайинланаётган шахс ўз номзодини кўриб чиқаётган акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиши мумкин.

2.5 Баш директор билан меҳнат шартномаси номуайян муддатта тузилади ва шартномани давом эттириш ёки уни бекор қилиш тұғрисида масала акциядорлар умумий йиғилиши томонидан кўриб чиқилади.

2.6 Жамият Баш директорининг ваколатлари акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тутатилган тақдирда, ушбу органдың қарори билан Баш директорнинг вазифалари акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилишига қадар бўлган даврда вақтинча бажариб туриш учун бошқа шахсга топширилади.

### **III. ЖАМИЯТ БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ, ХУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

3.1 Жамият Бош директорининг ваколатларига қўйидагилар киради:

- Жамият номидан ишончномасиз иш юритади, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалайди;
- Жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлайди;
- ходимларга учинчи шахслар олдида Жамият номидан вакиллик қилиш учун ёзма ваколат (ишончнома) беради, банкларда ҳисоб-китоб, валюта ва бошқа ҳисоблар очади;
- Жамият Кузатув кенгashi билан келишган ҳолда ходимлар штатларини, иш ҳақи, мукофотлар ва рағбатлантиришлар ҳамда бошқа тўловларни тўлаш тартибини тасдиқлайди;
- Жамиятнинг ички хужжатларини ҳамда ходимлар мансаб йуриқномаларини тасдиқлайди;
- Жамият номидан шартнома ва битимлар тузади, шу жумладан Жамият ички хужжатларида белгиланган тартибда ходимлар билан қарз шартномаларини тузади;
- ходимларни (ишчиларни) ишга қабул қиласи, улар билан меҳнат шартномаларини тузади ёки бекор қиласи, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллайди, ҳодимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб турилишини таъминлайди;
- Жамиятнинг штатлар жадвалидаги ходимлар сонига ўзгартириш киритмаган ҳолда жорий ташкилий тузилмага ўзгартириш ва қўшимчалар киритади;
- Жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;
- Қонун хужжатларига мувофиқ Жамият фаолиятига доир маълумотларни эълон қиласи;
- Жамият ходимлари ва жалб этилган эксперtlардан иборат тегишли масалалар, шу жумладан, низоли вазиятларни аниқлаш ва ҳал этиш ҳамда бошқа масалалар бўйича ишчи гурухлари ёки комиссиялари ташкил этади;
- Жамият филиалларига бўйсунувчи таркибий тузилмаларни ташкил этади ёки тутатади;
- суғурта қоидаларини ва Жамият фаолиятини амалга оширишга доир ички хужжатларни тасдиқлайди ёки бекор қиласи;
- қонунчилик ва ушбу Устав билан Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши, Кузатув кенгashi ваколатлари жумласига киритилмаган бошқа ваколатларни амалга оширади.

3.2 Жамият Бош директори қонун хужжатлари, ушбу устав ва Жамиятнинг ички хужжатларига мувофиқ бошқа хуқуqlарга ҳам эга бўлиши мумкин.

### **IV. ЖАМИЯТ ИЖРОИЯ ОРГАНИНИНГ ИШ ТАРТИБИ**

4.1 Жамият Бош директори Жамият бизнес-режаси бажарилиши қандай

бораётганлиги юзасидан мажлислар ўтказади. Жамият Бош директори акциядорлар умумий йиғилиши ёки Кузатув кенгашининг мажлислариға таклиф этадиган масалалар олдин ижроия органи мажлисида муҳокама қилиниши мумкин. Акциядорлар умумий йиғилишида ёки Кузатув кенгashi мажлисида Бош директорнинг фикрини шахсан ўзи ёки Бош директор томонидан тайинланган вакил томонидан тақдим этилади ва ҳимоя қилинади.

4.2 Ижроия органи мажлисларини Бош директор ёки кўриб чиқилаётган масалаларни инобатга олган ҳолда унинг ўринbosарларидан бири олиб боради.

## **V. ЖАМИЯТ ИЖРОИЯ ОРГАНИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

5.1 Бош директор Жамият мол-мулкини тасарруф этиш орқали шахсий фойда олишни кўзда тутишга йўл қўймаслиги лозим.

5.2 Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва Жамият уставига мувофиқ Бош директор ўз вазифаларининг бажармаганлиги ёки номувофиқ тарзда бажарганлиги натижасида юзага келган зарар учун зарарнинг тўлиқ равишда қопланишига Жамият олдида жавобгардир.

5.3 Жамият акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг қарорига асосланган мажбуриятларни бажарилиши натижасида Жамиятга зарар етказилишига олиб келган ҳолларда Бош директор Жамият олдида жавобгар бўлмайди.